2008 ЙИЛ, 13 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 48 (11:109) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича дастури билан ҳамкорликда «Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари» номли янги тўплам ҳамда «Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш» номли қўлланмаси тақдимотини ўтказди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот лойиҳаси муҳокама қилинди. Сўнг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг бир неча Қонуни лойиҳалари кўриб чиқилди.

● «Зилола пойдевори» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Рустам Саломов ташаббуси билан АТ «Саноаткурилишбанк» Навоий вилояти филиалидан олинган узоқ муддатли 1 миллиард сўмлик кредит эвазига ёш оилалар учун замонавий турар жой бинолари қуришга киришилди. Навоий, Зарафшон шаҳарларида бунёд этиладиган мазкур уйлар жорий йил охиригача фойдаланишга топширилади.

● Сирдарё вилоятидаги коллежлар ўқувчилари ўртасида умумий таълим фанлари бўйича олимпиада бўлиб ўтди. Унда туман босқичида ғолиб чиққан ёшлар бешта гуруҳга бўлиниб, билимларини синовдан ўтказишди. Гулистон Давлат университети қошидаги академик лицейда ўтказилган олимпиадада 25 нафар энг зукко ўқувчи аниқланди.

● Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Жиззах электр тармоқлари ОАЖ маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда дастур ишлаб чиқди. Дастурга кўра йил давомида 80 нафарга яқин 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар иш билан таъминланади. Шунингдек, жамиятда меҳнат қилаётган ёшларнинг турмуш қураётганларига қимматбаҳо совғалар харид қилишлари учун 2,1 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

● «Камолот» ЁИҲ Китоб тумани кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида «Гиёвандлик ва ичкиликбозликка йўқ деймиз!» мавзуида иншо ва расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

● Бекобод шаҳрида аҳолига юридик хизмат кўрсатувчи шохобчалар сони яна биттага кўпайди. Шаҳарнинг «Туркистон» маҳалласида янги адвокатлик бюроси иш бошлади.

ЖАҲОНДА

● Грециядa ҳукумат ҳаётга татбиқ этаётган пенсия соҳасидаги ислоҳотларга қарши норозиликлар давом этмоқда.

● Кеча АҚШ Президенти Жорж Буш Эронга қарши санкцияларни яна бир йилга чўзиш тўғрисидаги фармойишни имзолади.

● Кеча ахлоқий жиҳатдан камчиликлари учун Нью-Йорк шаҳри губернатори Элиот Спитцер истеъфога чиқди. У душанба кундан бошлаб ўз вазифасини расман тарк этади.

● Таиланднинг собиқ бош вазири Таксин Чинават коррупцияда айблов бўйича ўзига қўйилган жиноятларни рад этди. Айтиш керакки, Чинават 2006 йилнинг сентябрида мамлакатда ҳарбий тўнтаришлар амалга оширилгандан кейин Буюк Британияга кетиб қолганди. У шу йилнинг февралида юртига қайтиши билан жиноий жавобгарликка тортилди.

● Кеча Нью-Йорк товар биржасида нефть нархи кўтарилиши юзасидан янги тарихий рекорд ўрнатилди — бир баррел «қора олтин» нархи 109,92 доллар миқдорида қайд этилди.

● Ҳиндистонда ҳукуматга қарашли 129 та аэропортнинг 15 мингдан зиёд ишчиси иш ташлаш эълон қилди. Ишчиларнинг норозилигига мамлакатдаги икки йирик аэропорт — Бангалор ва Ҳайдарободдаги аэропортларнинг ёпилаётгани сабаб бўлган.

● Бирлашган Араб Амирликлари тарихида энг катта йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди. Мамлакатнинг Абу-Даби—Дубай шаҳарларини бирлаштирувчи шосседа қуюқ туман туфайли юздан зиёд автомобиль ўзаро тўқнашди. Маълумотларга кўра автомобилларнинг ўндан ортиғи ёниб кетган, олти киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

● Ёқутистонда олий тоифали жарроҳ беморнинг зарарли ўсимтаси бор буйраги ўрнига соғ буйрагини олиб ташлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Жарроҳ мудҳиш хатоси учун бир йилга қадар озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

● Кеча Канада пойтахти Монреал атрофидаги шаҳарчада супермаркетнинг томи қулаб тушиб уч кишини босиб қолди. Дастлабки тахминларга кўра том қалин ёғган қорни кўтара олмасдан қулаб тушган.

● Кеча Туркияда Рихтер шкаласи бўйича 4,8 балли ер силкиниши содир бўлди. Вайронагарчилик ва қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Мексиканинг Гуанахуато штатида болаларни олиб кетаётган микроавтобус ҳалокатга учради. Ҳукумат вакилларининг расмий хабарига кўра, ҳалокат оқибатида 3-6 ёш атрофидаги тўққиз бола ҳаётдан кўз юмди. Ҳалокат микроавтобусдаги қизчалардан бири автоулов рулини буриб юбориши оқибатида содир бўлган.

"ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ" ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳрида самимий қутлайман.

Бугун очиладиган конференция Марказий Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бирига бағишланган бўлиб, унинг аҳамияти, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, фақат сув хавфсизлиги масалалари ва битта минтақа доираси билан чекланиб қолмайди.

Барчангиз олижаноб мақсад – Орол инқирози оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва Марказий Осиё давлатларига, биринчи навбатда бевосита инқироз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига яшаш шароитлари ёмонлашувининг олдини олиш, мазкур минтақанинг бетакрор флораси ва фаунаси нозик экологик мутаносиблигини сақлашда халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида йиғилгансиз.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида хавфли тус олди. Янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, бунинг учун бутун Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ирригация тизимларини қуриш, сувдан маиший ва саноат кўламида фойдаланиш эҳтиёжининг давомий ўсиб бориши, шунингдек, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига – бир вақтлар сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига шароит яратди. Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, ҳудди шу миқдорда унинг минераллашуви ошди.

Янги ҳосил бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олмоқда. Доимий экологик хавф мавжуд ҳудудда, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати, саломатлиги, генофондида салбий из қолдирувчи омиллар таъсири остида нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар – Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси ҳам жойлашгандир.

Сув ресурсларининг, жумладан ичимлик сувнинг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг завол топиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши натижасидаги иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг кичиклашуви – бу Орол нобуд бўлаётгани натижасининг қисқача мисоллари, холос. Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан халқаро, глобал характердаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Буни англаш БМТнинг Марказий Осиёда инсон тараққиёти ҳақидаги 2005 йилги Маърузасида ҳам ўз тасдиғини топган, унда Орол денгизининг қуриши нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу жиҳатдан олинганда, минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур дарёлар барча замонларда уларнинг ҳавзаларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган. Бу ҳозирги кунда сув ресурсларидан, биринчи галда трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқлар манфаатлари йўлида фойдаланишда ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларни амалга оширишни тақозо этувчи минтақанинг 6 давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминотини янада қийинлаштириши, қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини жадаллаштириб юбориши ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг барқарор ривожланиши ва амалда умуман бу ерда яшаши истиқболларини шубҳа остида қолдириши мумкин.

Трансчегара дарёларидан фойдаланишнинг асосий тамойилларини белгилайдиган халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларига, шу жумладан трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш (1992) ҳамда халқаро сув оқимларидан кема қатновидан бошқача турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги (1997) конвенцияларга мувофиқ, сув оқимларидаги барча давлатлар "ўзининг тегишли ҳудудлари чегарасида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари" назарда тутилади.

Мазкур ҳужжатларда шунингдек, халқаро сув оқимларидаги давлатлар томонидан ўз ҳудудида ундан фойдаланганида "сув оқимидаги бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чора-тадбирларни кўриш", зарар етказилган ҳолатда эса – "бундай зарарни тугатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун" тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари назарда тутилган.

Трансчегара сув оқимларининг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ минтақа давлатларининг "халқаро сув оқимларидан мақбул равишда фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида" ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам назарда тутади.

Бундай ҳамкорликнинг муҳим тамал тоши 1993 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувида қўйилди. Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган мазкур учрашувда Орол денгизи муаммосини ҳал этиш бўйича ўзаро саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги Битим имзоланди. Ўтган сўнгги йилларда минтақа давлатлари халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни енгиб ўтиш ва минтақадаги вазиятни яхшилаш бўйича сезиларли саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Ишончим комилки, глобал ижтимоий муаммолар, жумладан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида, "регионализм орқали глобализм сари" формуласи бўйича, самарали минтақавий механизмлар яратиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар "Сув ҳаёт учун" ҳаракати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганининг ўн беш йиллик даврида, балки, 22 март - Бутунжаҳон сув ресурслари кунига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Конференция натижалари Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар билан қараши ва англаб етишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё минтақасининг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш мақсадида янада самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришига ишончим комил.

Конференция қатнашчиларига самарали ишлаш ва ушбу муҳим ҳамда принципиал вазифаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР, АЖДОДЛАРДАН АВЛОДЛАРГА ЎТИБ КЕЛАЁТГАН ХАЛҚ АМАЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ РАВНАҚИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БЕҚИЁС САМАРА БЕРМОҚДАКИ, БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИДА, ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАРИМИЗНИНГ БЕТАКРОР, САНЪАТ ДАРАЖАСИДАГИ МУКАММАЛ АСАРЛАРИДА, ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА.

«Ташаббус—2008»

ОМАД — ИЗЛАНИШ ВА МАҲОРАТДА

Кеча пойтахтимиздаги «Зобитлар уйи»да бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти соврини учун «Ташаббус— 2008» кўрик-танловининг пойтахт босқичи ҳам изланувчан тадбиркор ва ҳунармандларимизнинг ҳақиқий билим ва маҳоратлари, янгилик яратиш, мустақил юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари намойиши бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

Азалий анъаналаримизга кўра кар-най-сурнай садолари остида бошланган ушбу тадбирни Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Тўйчиев табрик сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Набижон Қосимов кўрик-танловнинг аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб, ана шундай фахрга эга бўлган иштирокчиларга омад тилади.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** шаҳримизда «Соф энергия. Энергия тежамкорлиги» мавзуида III халқаро кўргазма намойиши бошланди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги компьютер технологиялари академик лицейида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида тумандаги халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва отаоналар иштирок этишди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» фаоллари, ёшлар иштирокида ўтказилган акция «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» деб номланди.

● **МУСИҚА** санъатини ривожлантириш мақсадида мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида миллий чолғу асбобларини ўргатиш бўйича ташкил этилган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида иқтидорли ёш рассом Ғайрат Иброҳимов томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Ушбу кўргазма 18 мартгача давом этади.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида **КЕЧА** ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари иштирокида уюштирилган семинар «Ўқув жараёнини модернизация қилишда замонавий технологияларнинг ўрни» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТОШКЕНТДА 12 МАРТ КУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН "ОРОЛ МУАММОЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

БМТ Ривожланиш дастурининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори ўринбосари Жейхан Султонўғли хоним конференцияни очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ўқиб эшиттирди.

Конференцияда дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Хитой, Нидерландия, Россия, Япония ва бошқа давлатлардан, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, молия институтларидан вакиллар, экология, иқлим ўзгариши ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаси бўйича таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ПОЙТАХТИМИЗДА "ОРОЛ МУАММОСИ, УНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ТАЪСИРИ, ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ" МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР, МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗ ВА ХОРИЖДАГИ ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ, ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРДАН ИККИ ЮЗДАН ЗИЁД ЕТАКЧИ МУТАХАССИС ВА ОЛИМ ИШТИРОК ЭТАЁТИР.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Мэлс ЕЛЕУСИЗОВ – Қозоғистон Республикаси уюшмалари ва корхоналарининг "Табиғат" экологик иттифоқи раиси, мамлакат Бош вазирининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қозоғистон Республикаси Мажлиси ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси аъзоси :

— Ўтган асрда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, суғориладиган майдонлар кенгайиб Оролбўйи минтақасида кескин ижтимоий ва экологик вазият пайдо бўлишига олиб келди. Ҳар йили Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса келажак авлодлар саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Шу боис бугунги кунда Оролбўйи генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тошкентда ўтказилган мазкур конференция муҳим аҳамиятга эга. У минтақамиздаги экологик ҳолатни яхшилаш, тупроқ қатламини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш, қишлоқ хўжалигини илмий асосланган тизимга ўтказиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамкор усулларини ишлаб чиқиш, минтақада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

ОРОЛ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда сайёрамизда миллионлаб одамлар тоза ичимлик суви тақчиллигидан азият чекмоқда. Бу иқлими қуруқ мамлакатларда айниқса яққол сезилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятнинг ёмонлашиши минтақада экотизим мувозанатининг бузилишига олиб келди, сув ресурслари тақчиллигини кучайтирди. Бу эса минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароити ва соғлигига, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ушбу муаммо минтақа давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Халқаро анжуман очилишида сўзга чиққан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) бош котиби Болат Нургалиев, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев, Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиёда қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар бўйича департаменти директори Кацужи Мацунами, Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий идораси директори Аннет Диксон, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Саломатлик дастурлари бўйича минтақавий директори Недрет Эмирўғли, ЮНИСЕФнинг соғлиқни сақлаш ва овқатланиш масалалари бўйича минтақавий маслаҳатчиси Санжив Кумар, ЮНФПАнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ален Муширу, ЮНИДОнинг Европа ва МДҲ давлатлари бўйича минтақавий бюроси директори Гжегош Доночик, Японияннинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги минтақавий идораси бошқарувчи директори ўринбосари Мацуёши Кавасаки, ГЭЖ/БМТРД ижрочи мувофиқлаштирувчиси Яник Глемарик ана шуларни алоҳида таъкидладилар.

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик инқирознинг асосий сабаблари аввалги даврларда ўйламасдан амалга оширилган хўжалик фаолияти, иқлим ўзгариши ва бошқа табиий жараёнлар билан боғлиқ. Оқибатда Орол денгизи сатҳи кейинги эллик йил ичида 4 баравардан кўпроққа қисқарди, сув 24 метрга пасайди, унинг ҳажми 10 мартага камайди.

Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, биринчи навбатда, минтақа давлатлари томонидан Орол денгизи ҳавзасидаги чекланган сув ресурсларини бу ерда жойлашган барча мамлакатлар манфаатлари ва экологик талабларни ҳисобга олиб, ҳамкорликда, ўзаро келишилган ҳолда бошқаришни ташкил этиш зарурлигига қаратиб келади. Президент Ислом Каримов ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2007 йил августда Бишкекда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида минтақа трансчегара сув оқимларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг юқоридаги тамойилларга асосланган нуқтаи назарини аниқ баён қилган эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейинги дастлабки йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ва минтақанинг иккита тузилмаси – Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясини ташкил этишнинг ташаббускорларидан бўлди. Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари томонидан 1993 йилда Орол муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги битим, 1995 йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутган Нукус декларацияси имзоланди. Бу борада Орол денгизи ҳавзаси бўйича қўшма дастур амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда экологик бўҳрон оқибатларини енгиллаштириш масаласи давлат даражасида, комплекс равишда ҳал этилмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланишни ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимиз ушбу соҳада асосий халқаро ҳужжатларга, жумладан, Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилган. Оролбўйи ҳудудига қирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Орол денгизи минтақасидаги ҳудудларнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер емирилишининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш орқали қўшимча даромад олиш учун шарт-шароит яратиш бўйича қатор мақсадли лойиҳалар босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда. Бунда аҳолини, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўнлаб замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этилган.

Оролнинг қуриган қисмида қум кўчкиларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли ўсимликлар экиш ҳисобидан бу ерларни ўзлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса аввал фойдаланилмаган ҳудудлардан яйлов сифатида фойдаланиш, пировардида чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Амударёнинг дельта ҳудудида сув майдони 150 минг гектардан ошадиган сув ҳавзалари ташкил этилмоқда. Бу ерда балиқчилик хўжаликлари иш бошлади. Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантиришга, аҳоли бандлигини оширишга, биохилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга ёрдам беради. Конференция иштирокчилари форум арафасида Оролбўйида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдилар.

Кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ таркибидаги агентликлар, молия институтлари – Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқалар ҳам Оролбўйидаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашмоқда. Масалан, Глобал экологик жамғарма кўмагида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Нукус филиали томонидан 22 лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти амалга оширилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Борий Алихонов, соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова, "Ўзгидромет" маркази бош директори Виктор Чуб, "Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Ўрал Атаниёзова ва бошқалар шулар ҳақида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, Оролбўйидаги экологик инқироз билан боғлиқ кўпгина муаммоларни бир мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, форумда таъкидланганидек, Орол ҳавзаси сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш тизимини мавжуд давлатлараро битимлар доирасида такомиллаштириш лозим. Бундай ҳамкорликни умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш зарур. Минтақадаги барча давлатларнинг трансчегара сув оқимлари ва кўлларни ҳимоя қилиш, уларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиши ҳам бу борадаги ишларга кўмаклашади.

Конференция доирасида параллел сессиялар ҳам бўлиб ўтди. Уларда Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш истиқболлари, экологиянинг аҳоли генофонди ва саломатлигига таъсири, бу борадаги вазифаларни ҳал этиш йўллари, Оролбўйида турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Анжуман якунида "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида ниҳоятда катта ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Мазкур глобал муаммо оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни кенг жалб этишимиз ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Нина НОВИКОВА – Россия Фанлар академияси Сув муаммолари институти вакили :

— Дарҳақиқат, бугун Орол фожиаси глобал муаммога айланган. Ўзбекистон Оролбўйи минтақасидаги вазиятни яхшилаш мақсадида кўп иш қилмоқда. Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Куни кеча Мўйноқ туманидаги аҳвол билан танишиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. У ердаги шифохоналарда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароит бизни ниҳоятда қувонтирди. Бу мамлакатингиз раҳбарияти Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш йўлида изчил ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

Жейхан СУЛТОНЎҒЛИ – БМТ Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича дастурининг минтақавий бюроси директори ўринбосари:

— Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзуидаги мазкур халқаро конференция ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки Оролдаги экологик бўҳрон нафақат минтақавий, балки глобал муаммодир. Орол денгизи қуришининг, унинг йирик экологик инқирозга айланишининг сабабларидан бири иқлим ўзгаришидир. Орол денгизининг фожиага юз тутиши оқибатида мазкур ҳудудда юзага келган нохуш экологик вазият инсон саломатлиги, атроф-муҳит мусаффолиги, айниқса, келажак авлодлар тақдирига катта салбий таъсир кўрсатади. Шу боис Оролбўйи генофондини асраш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртингизда Оролбўйида экологик муҳитни яхшилаш, ушбу муаммога халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш ва минтақадаги давлатлар билан ҳамкорликда муаммоларни ечиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1995 йили Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция мазкур муаммони ҳал қилишда муҳим қадам бўлган эди. Тошкентда ўтказилган ушбу йирик анжуман Оролбўйи ҳудудидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилашга хизмат қилишига ишонаман.

Сергей ЛЕБЕДЕВ – МДҲ Ижроия қўмитаси раиси:

— Орол ва унинг атрофида вужудга келган жиддий экологик муаммоларни ечиш нафақат ўша ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли, Марказий Осиё давлатлари, балки дунёнинг деярли барча мамлакатлари учун бирдек муҳим. Орол денгизининг қуриган қисмидан ҳавога кўтарилаётган чанг-тўзон дунё экологиясига зарар етказмоқда. Ўзбекистонда мазкур муаммони ҳал этиш борасида зарур чоралар кўрилаётгани бизга яхши маълум. Бироқ ушбу муаммони бартараф этиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур.

Конференция Орол билан боғлиқ қатор долзарб масалаларни, жумладан, экологик инқирознинг аҳоли генофондига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири, Амударё ва Сирдарёда рационал оқимни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш ва муайян ечимларни топишда катта аҳамиятга эга.

Гжегош ДОНОЧИК – БМТ Саноатни ривожлантириш ташкилотининг (ЮНИДО) Марказий Осиё бўйича дастурлари бўлими раҳбари:

— Мамлакатингизда истиқлол йилларида Орол муаммосининг салбий таъсирини камайтириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга лойиқ. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро тузилмалар ҳамкорлигида талай ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташкилотимиз Оролбўйи аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, унинг барқарор даромад олишини ташкил этиш борасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш ниятида. Бундан кўзланган асосий мақсад одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилашдир.

Оролбўйида юзага келган глобал экологик муаммо нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки Ер шарининг бошқа ҳудудларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Муаммоларнинг олдини олиш эса дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбирлари

ЎЗБЕК УСТАЛАРИНИНГ ТУҲФАСИ

ТУРКИСТОН — АМЕРИКА АССОЦИАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДАН АЖОЙИБ БИР ТУҲФАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Абдураҳим Умаров раҳбарлигидаги «Усто» республика ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Ўзбегим устолари» корхонаси вакилларидан иборат бир гуруҳ юртимиз усталари мазкур ассоциациянинг Нью-Жерси штати Довер шаҳрида жойлашган миллий-маданий маркази биносида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширди.

А.Умаровнинг таъкидлашича, марказда таъмирлаш ва безак ишларини олиб бориш жараёнида ўзбек усталари бой ҳамда кўп қиррали миллий санъатимиз ва маданиятимизни кенг намойиш этишга ҳаракат қилишган.

Асосий залга кириш қисмини улкан деворий сурат безаб турибди. Унда Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги кўҳна меъморий обидалар билан бир қаторда Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Имом Ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк ўзбек мутафаккир ва олимлари тимсоли ўз аксини топган.

Мазкур композицияда акс этган фалак сари интилган йўл, алгоритм жадваллари, қум соат ва бошқа тасвирлар ўзбек олимларининг инсоният цивилизацияси ривожи йўлидаги буюк меҳнатлари ва унга қўшган бебаҳо ҳиссасининг ўзига хос рамзий ифодасидир.

Марказнинг асосий залини ўзбек усталарининг гўзаллиқда бетакрор бадиий ганч ўймакорлиги санъати намуналари, нафис деворий нақшлар, сопол ва хонатласдан иборат композиция безаб турибди. Уни ўйма нақшлар билан ишланган чиройли ёғоч эшиклар янада бойитиб, ўзига хос миллий уйғунлик бахш этган.

Марказнинг яна бир зали анъанавий ўзбек уйи шаклида, жумладан нозик ўйма нақшлар юритилган ёғоч сўри ва хонтахта каби миллий буюмлар билан безатилган.

Чармга ишланган бадиий миниатюра ва халқ амалий санъати буюмларининг «деворий кўргазмаси» миллий ҳамда маданий композиция билан ўзаро бирикиб кетади.

Ўзбек усталарининг меҳнати АҚШда истиқомат қилувчи ватандошларимиз ва Марказнинг бошқа меҳмонлари томонидан юксак баҳоланди. Туркистон-Америка ассоциацияси аъзолари номидан ушбу ташкилот президенти Абдулла Хўжа миннатдорлик билдириб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. «Усталар томонидан бажарилган ҳамда ўзбек халқининг қадимий маданияти, тарихи ва анъаналарини сермазмун тарзда акс эттирган ушбу беқиёс меҳнат Марказни ҳақиқий санъат галереясига айлантирди», - деди у «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда.

А.Хўжа Марказни таъмирлаш борасида кўрсатилган кўмак учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди:

«Ассоциациямиз номидан ушбу маданий марказни таъмирлаш ва безатишда иштирок этиш учун бир гуруҳ моҳир усталарни юборишдаги шахсий ташаббуси ҳамда беғараз ёрдами учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Бундай эътибордан чуқур таассуротдамиз ва биз учун бу катта шарафдир. Таъкидлашни истардимки, АҚШда истиқомат қилувчи биз ўзбеклар Ислом Каримов томонидан мамлакат халқининг тарихий-маданий меросини қайта тиклаш ва уни тарғиб этишда кўрсатаётган улкан ғамхўрлигини юксак даражада қадрлаймиз».

Президент Ислом Каримов номига йўллаган ўз миннатдорлик мактубида Ассоциация раҳбари жумладан, қуйидагиларни баён этади:

«Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон истиқлолга эришгани туфайли тарихий ватанимиз билан яна яқинлашиш имкониятига эга бўлдик. Биз Ўзбекистон Президентининг мамлакат мустаҳкамлигини мустаҳкамлаш, ўзбек халқининг ўзлигини англаш, унинг ғурури ва миллий анъаналарини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш борасидаги кўпқиррали саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Сиз танлаган қатъий сиёсат ўзбек халқига эски давр асоратларидан халос бўлиш ҳамда барқарор тараққиёт йўлидан дадил одимлаш имкониятини яратди».

Ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Туркистон-Америка Ассоциацияси вице-президенти Абдулвоҳид Собирий қуйидагиларни таъкидлади: «Усталар АҚШда истиқомат қилувчи ўзбеклар учун том маънода тарихий ҳисобланган ишни амалга оширди. Уларнинг моҳирона меҳнати ушбу мамлакат жамоатчилигида Ўзбекистоннинг улкан маънавий-маданий бойлигини янада кенгроқ англашга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир».

«Жаҳон» АА
Довер шаҳри,
Нью-Жерси штати

Иқтисодиёт

МАВСУМИЙ ЛИБОСЛАР

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН ЖАМОАЛАРНИНГ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАГАНЛИГИ БЕЖИЗ ЭМАС.

Шаҳримизда ўтган йилдан фаолият юритаётган «JAVLON TEXT» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бозорни ўрганиш асосида мавсумий аёллар ва эркаклар кийим-кечакларининг замонавий турларини ишлаб чиқармоқда. Ҳозирда мазкур жамиятда 8 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда.

—Кичик цехимиз хориждан келтирилган тикув машиналари, дастгоҳ, ускуналар билан жиҳозланган. Моҳир дизайнчиларимиз либосларнинг замонавий моделларини яратишмоқда. Бунда бизга маҳаллий матоларимиз қўл келмоқда, оз миқдорда Хитойдан ҳам хом ашё оляпмиз. Кузги-қишки кийимлар—дублёнка, пальто, костюм, спорт кийимлари, кўйлак, курткаларимиз харидоргирлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, буюртма асосида тикилган махсус иш кийимлари ҳам мижозларимизга манзур бўлмоқда.

Баҳорги либослар ҳам жамоа аъзоларининг диққат марказида. Наврўзи олам байрами арафасида янги коллекция мижозларга тавсия этилади. Уларни моҳир дизайнчи-модельерлар яратган бўлиб, сифатига эътибор қаратилган. «Чилонзор» буюм бозоридаги савдо расталарида ушбу жамиятнинг тикув маҳсулотлари харидорларга тавсия этилмоқда.

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА МЕВАЛАРИ

ХАЛҚИМИЗДА «ҲУНАР—ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР» ХИКМАТЛИ НАҚЛИ БОР. ЗЕРО, ҲУНАРЛИ, КАСБКОРИНИНГ УСТАЛАРИ ҲАМИША ЭЛ-ЮРТ ЭЪТИБОРИДА, ЭЪЗОЗИДА БЎЛАДИ.

Миллий ҳунармандчилигимизнинг заргарлик тури энг гўзал санъатлардан ҳисобланади.

Чилонзор туманида 1991 йилдан ҳунарманд сифатида фаолият юритаётган моҳир заргар Мирвосил Обидов ўзининг изланишлари, устоз-мураббийларининг ўгитлари, ибратли ҳаётий сабоқлари орқали маълум тажриба ҳамда керакли кўникмаларга эга. Ижодий жараёнда уста маҳорат ва иқтидорига таянади. Унинг бир-биридан гўзал, бетакрор заргарлик буюмларини томоша қилар экансиз, бунга амин бўласиз.

Мирвосил заргарнинг айниқса, қумушдан қалб қўри қўшиб ишланган тиллақош, узук, саватлари, мелхиордан маҳаллий феруза, опал, обсидиан, яшма тошлари қўшиб тайёрланган билакузук, тумор каби буюмлари ҳар қандай нозиктаъб аёлни ҳам мафтун қилиши ҳунарманднинг юксак маҳоратидан яққол далолатдир.

Мукаддас УМАРБЕКОВА

ОМАД — ИЗЛАНИШ ВА МАҲОРАТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

—Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,—дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев, — мамлакатимизда иқтисодиётимиз асосини ташкил этган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига жуда катта эътибор қаратилганлиги уларнинг фаолиятларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам Президентимиз 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг рағбатлантиришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бугунги кунда пойтахтимизда 27 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатаётгани уларнинг фақат сон эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам юксалиб бораётгани қувонарлидир. Мана 12 йилдирки Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ҳақиқий ташаббускорларни рағбатлантиришда, уларни эл-юртга танитишда, яхши ишларига янаям парвоз бағишлашда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Биз шундан мамнунмизки, Президент совринини қўлга киритганлар орасида пойтахтимиз вакилларининг ҳам ўз ўрни бор. Бу йилги пойтахт босқичида қатнашаётган 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар ҳунармандимиз кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирган минг нафардан зиёд вакилларнинг энг саралари, туман босқичи ғолибларидир. Умид қиламизки, пойтахт ғолиблари республика босқичида совриндорлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Кўрик-танлов белгиланган икки тур бўйича ўтказилиб, тадбиркорлар бешта, ҳунармандлар эса тўртта шарт бўйича амалга оширилаётган ишлари, маҳорат ва билимларини намойиш этишди. Айниқса, танловнинг «Экспозициялар намойиши» шарти барча учун қизиқарли бўлиб, унда иштирокчиларнинг фаолиятлари, тайёрлаётган маҳсулотлари, ҳунармандлар буюмларининг кўрки ва жилоси ёркин кўриниб турибди. Ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган маҳсулотлар бозорда ўз ўрнини топган бўлиб, импорт ўрнини босиши, экспортбоплиги, қадоқланиши ва рақобатбардошлиги билан ажралиб турса, ҳунармандларнинг санъати эса миллий қадриятларимиз, шарқона удумларимиз, азалий урф-одатларимизни бетакрор акс эттирганлигида намоён бўлди.

Биргина «AZN» масъулияти чекланган жамиятини оладиган бўлсак, бугунги кунда корхонада ойига юздан ортиқ саноат музлатгичлари ҳамда савдо жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Илгари ушбу жиҳозлар четдан келтирилган бўлса, ҳозирда корхона товарлари уларнинг ўрнини эгаллади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши боис, ишчилар сафи 70 нафардан ортди ва улар малакали мутахассислардир. «E'TIQOD» хусусий фирмаси ўз мебеллари билан ички бозорда муносиб ўринга эга ва жорий йилда эллик фоиз маҳсулотини хорижга экспорт қилишни режалямоқда. «NURAFSHON NUR» хусусий корхонаси касаначилик ривожига ҳисса қўшиш баробарида жорий йилда хорижий сармояларни жалб этган ҳолда қўшма корхона тузишга интилмоқда. «SIMAKS-PARS» масъулияти чекланган жамияти маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритмоқда. Яқинда улар илғор технологиялар асосида яна бир янги маҳсулот тайёрлашни бошлайдилар. Ҳар бир иштирокчи корхона ҳақида мана шундай илиқ гапларни айтиши мумкин. Шунингдек, попопчи Дилдора Авезованинг маҳорати, ёғоч ўймакорлари Анвар Алимбоев, Файзулла Юсупхўжаевларнинг изланувчанлиги, сандиқсоз уста Бахтиёр Қосимов, миниатюрачи рассом Нодиржон Қудратиллаевнинг ниҳоятда нозик ишлари завқингизни ошириши табиий.

Попоп устаси Дилдора Авезова ёш бўлишига қарамай 7 йилдан буён ушбу ҳунарни эъзозлаб келмоқда. У республика «Тадбиркор аёллар» уюшмаси қошидаги ўқув марказининг раҳбари, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби, 2007 йилда ўтказилган «Мода ва дизайн» ҳафталигида биринчи ўринга сазовор бўлган. Ўтган йили Хитойда бўлиб ўтган мода ҳафталигида Дилдоранинг попопчилик санъати алоҳида эътироф этилган. У тиккан рўзғор ашёлари ва турли либослар хорижликларни ҳам мафтун этмоқда.

Албатта, ана шундай маҳорат ва ташаббус эгаларини баҳолаш учун танлов ҳайъати аъзолари анчагина тер тўкишди ва ниҳоят ҳаяжонли дақиқаларда, шубҳасиз олқишлар остида ғолиблар номи бирма-бир эълон қилинди. Унга кўра «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчи ўрин «AZN» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Назировга насиб этди. «E'TIQOD» хусусий фирмаси директори Абдуғани Қосимов 2-ўрин, «SIMAKS-PARS» масъулияти чекланган раҳбарияти Солиҳ Зокиров 3-ўрин соҳиби бўлдилар. «Энг яхши ҳунарманд» йўналишининг 1-ўрин соҳиби деб попопчи уста Дилдора Авезова топилди. Ёғоч ўймакори Файзулла Юсупхўжаев 2-ўрин, миниатюрачи рассом Нодиржон Қудратиллаев 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш ҳунарманд» ва бошқа кўплаб номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди. Барча ғолиб ва совриндорларга диплом, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди. Энг асосийси эса иштирокчиларнинг меҳнат ва маҳоратлари, фаолликлари, янгиянги ташаббуслари алоҳида эътироф этилди. Биринчи ўрин соҳибларига эса кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш шарафи юкланиб, уларга катта умид билдирилди.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Ўлкамизда Наврўз нафаси

НАВРЎЗ ЮРТИМИЗДА АСРЛАР БЎЙИ ЭЪЗОЗЛАНИБ, НИШОНЛАНИБ КЕЛИНАЁТГАН ҚАДИМИЙ БАЙРАМДИР. НАВРЎЗ БУ УЙҒОНИШ, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ, МЕҲНАТ ВА БУНЁДКОРЛИК АЙЁМИДИР. ҚАДИМДАН НАВРЎЗ ХАЛҚЛАР УЧУН МЕҲР-ОҚИБАТ, ҚАДР-ҚИММАТ, ХАЙРУ САХОВАТ РАМЗИ ҲИСОБЛАНГАН. ОНА ДИЁРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ФАЙЗЛИ-ШУКУҲЛИ НАВРЎЗ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.

МЕҲРУ ОҚИБАТГА ТЎЛИБ КЕЛ, НАВРЎЗ!

Наврўз — юртимизга, ҳаётимизга ва маънавиятимизга қайтди. У ўзининг сеҳрли жозибаси билан одамзодни ўзига мафтун этади. Наврўзи олам халқимизнинг энг кўҳна ва навқирон миллий байрами сифатида узоқ тарихга эга. Наврўзнинг келиб чиқиши, тарихи узоқ мозийга бориб тақалади. Энг қадимги ёзма манбамиз «Авесто»да Наврўз ҳақида дастлабки маълумотлар учрайди. Унда баён этилишича яхшилик маъбудаси Ахурамазда, ёвузлик маъбудаси Аҳриман устидан ғалабага эришади. Бу ғалаба баҳор ойининг биринчи кунларида содир бўлган. Бу ғалаба янги кун — «Наврўз» номини олган.

Шарқнинг буюк алломаси Фирдавсий Наврўзнинг келиб чиқишини ўз асари «Шоҳнома»да афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди.

Ўзбек халқининг Наврўз билан боғлиқ анъана ва удумлари жуда кўп. Шу куни одамлар байрам ширин ўтсин дея бир-бирларига ширинликлар ҳадя этишади, гуллар тақдим қиладилар, бир-бирига сувлар сепишади. Булар замирида янги йил ҳосилдор бўлсин, мўлкўлчилик бўлсин деган эзгу ният ётади. Наврўз билан боғлиқ урф-одат, анъаналар ҳақида юртимизнинг улуғ даҳолари қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Навоий ўзининг «Маҳбуб ул қулуб» асарида Наврўз ҳақида маълумот беради. Абул Фазл Байҳақий ўзининг «Маъсуд тарихи» асарида Наврўз байрамининг Хуросон ва Мовароуннаҳр, Гурганж ва Бухорода катта тантана этилишини, Абу Райҳон Беруний бобомиз «Осор-ул боқия» асарида Наврўз билан боғлиқ қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Наврўз байрами арафасида халқимиз тозалик ва ободончилик ишларини амалга оширади. Ариқ-зовурлар тозаланади, боғлар тартибга келтирилади, кўчалар, майдонлар, уйлар тозаланади. Наврўз чиройли, сермаъно удумларга бой. Қадимда Наврўз кунлари дастурхонга 7 хил дарахт шохидан намуна қўйилган. Мажнунтол, зайтун, беҳи, бодом, писта, анор, ёнғоқ. Шулар қаторида дастурхонга қатиқ, сут, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шам қўйилган. Наврўз кунлари подшолар етимесир, камбағалларга ош берган, эл ичида танилган энг муносиб кишиларни тақдирлаган, айрим бандаларни авф этиб гуноҳидан кечган. Ўзаро уруш, жанжаллар тўхтаган, одамлар бир-бирларининг гина-кудуратларидан кечганлар, турли-туман шодиёналар ўтказиб, хурсандчилик қилганлар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида нишонланадиган Наврўз байрами мазмун ва моҳият жиҳатидан бир хиллик касб этади. Айрим удумларида ўзига хослик ҳам мавжуд.

Хоразмда Наврўз кунлари ерларни суғориш ишлари бошланади. Ўша куни бир жонлиқ сўйилиб, хайрия қилинади. Байрам дастурхонига гўжа қўйиш удуми бор. У етти хил масалликдан тайёрланади.

Бухоро вилояти Шофиркон туманида заҳизгон дарахтдаги уясига тухум қўйиши билан янги йил бошланган. Аждодларимиз Наврўз кунларида кўчаларда ва махсус жойларда дорбозлар томошасини кўрганлар. Гулханлар ёққанлар. Дор остидан ва гулханлар устидан ҳатлаганлар. Шу кунлари «қўш оши» пиширганлар. Экин мавсуми қуроллари шай ҳолатга келтирилган.

Наврўз кунлари бўйи етган қизлар бир ерга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашган. Кўзаларда сув келтириб ичига узук, сирға, танга ташлашган. Сўнгра қўшиқ, лапарлар айтишиб буюмларни сувдан олишган. Нишоналар бахт рамзи деб ҳисобланган.

Наврўзнинг энг тансиқ таомларидан бири сумалак ҳақида ривоятлар талайгина.

Одатга кўра сумалак пишириладиган кунда каттаю кичик барча оҳорли, янги кийимлар кийишган. Айтишларича сумалак пиширилаётган қозон бошида 30 та малак ҳозир бўлар экан. Сумалакни ошпазлар эмас, ўша малоикалар пиширар экан. Мамлакатимизнинг кўпчилик жойларида сумалак билан боғлиқ удум, маросимлар турлича кўринишга эга.

Илоҳим ҳаммамиз учун азиз ва севимли Наврўзимизнинг умри боқий бўлсин, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таъкидлаганидек:

Ҳар тунунг қадр ўлубон,
Ҳар кунунг ўлсун Наврўз!..

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти халқ ижодиёти кафедраси мудири, профессор

ҲАШАРЛАР ҚАМРОВИ КЕНГАЙМОҚДА

ЎЗИНИНГ ЎЗГАЧА ШУКУҲИ, ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ВА АЛБАТТА, ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧЛАРИ БИЛАН НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИНЛАШМОҚДА. БЕЖИЗ ЮРТ ОБОДЛИГИ КЎНГИЛ ОБОДЛИГИДАН БОШЛАНАДИ, ДЕБ АЙТМАЙДИ ХАЛҚИМИЗ. БАҲОР КЕЛИШИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАРДАН ҲИСОБЛАНГАН ҲАШАРЛАР БОШЛАНДИ ВА АЙНИ КУНЛАРДА УЛАРНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

—Пойтахтимиз туманлари орасида йилдан-йилга чирой очиб бораётган бизнинг Чилонзор туманидаги барча маҳаллаларда— дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси Ҳамза Холмуродов,— мана уч ҳафтадирки, «Ҳашар — элга ярашар», нақлига амал қилган ҳолда баҳорий юмушлар бошлаб юборилган. Туманимиздаги 49 та маҳаллалар 18 та ҳудудга бўлинган бўлиб, март-май ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга бағишланган кўп қаватли уйлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Жумладан, болалар спорт майдонларимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур туманда уюшқоқлик билан ўтказилаётган ҳашарларда айниқса, «1-катта Чилонзор, «8-март», «Баҳористон», «Наққошлик» маҳаллалари фаоллиги билан алоҳида ажралиб турибди. Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, айниқса, Ёшлар йили муносабати билан «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман кенгашининг жонбозлиги таҳсинга лойиқ. Ҳозирда ҳар куни тумандаги коммунал таъмирлаш-авария тиклаш хизмати томонидан ажратилган техника ёрдами билан (20 та тиркама ҳамда 5 та трактор) ҳашарларда тўпланган чиқиндилар—қуриган шохшаббалар, ариқ-зовурлар тозалангач чиқариб ташланган чиқиндилар шаҳар ташқарисига олиб чиқилмоқда. Маҳаллалар атрофидаги корхона, ташкилот, ўқув муассасалари жамоаларининг саъй-ҳаракатлари билан дарахтларга шакл берилиб, оқланмоқда, янги кўчат, гуллар ўтказилмоқда, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган оилаларга саховатпеша халқимизнинг азалий қадриятларини эъзозлаган ҳолда ҳашар йўли билан уй-жойларни таъмирлаш, қурилиш ишларида беғараз ёрдам кўрсатилмоқда.

Сирасини айтганда, 15-16 март— Умумхалқ хайрия ҳашари кунларида ҳам туман аҳолиси халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатпешалик ҳамда меҳр-оқибат сингари эзгу фазилатларни дилга жо этиб режадаги ишларни бажаришга бел боғлаган ҳолда Наврўзи олам байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МУНОСИБ ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМИЯТИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА КУТИБ ОЛИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА.

Бугунги кунда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида 24 та таълим муассасаси фаолият юритиб, уларда 45 мингдан ортиқ талаба-ўқувчилар таълим олмоқда. Шаҳарча ҳудудида 39 та талабалар турар жойлари мавжуд бўлиб, уларда 9 мингдан ортиқ талаба ўқувчилар ҳамда ҳудуддаги 9 та маҳаллада 40 мингдан ортиқ фуқаролар истиқомат қилмоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасини пойтахтимизнинг энг гўзал ва обод масканларидан бирига айлантириш мақсадида, шаҳарча ҳудудида кенг қамровли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу мақсадда 26 гектар ерга Канада греен ўтлари экилди. Бундан ташқари, 38 мингдан ортиқ игнабаргли дарахтлар, жумладан, фақатгина 2007 йилнинг март ойига қадар 20 минг туп арча кўчатлари, 5 минг тупдан ортиқ мевали ва 2 мингтадан кўп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, шаҳарча ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир талабанинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида барпо этилаётган «Камолот» ва «Ёшлик» боғларида бир тупдан арча ва мевали кўчатлар экиши ва уни парвариш қилиши яхши анъанага айланган.

Бундан ташқари 2008 «Ёшлар йили»да шаҳарча ҳудудини янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилиб, ҳар бир таълим муассасаси, ташкилот, хонадонлар атрофига бир йиллик ва кўп йиллик гуллар экиш бўйича режалар ишлаб чиқилган ва бунга масъул ходимлар тайинланган.

Бугунги кунда ерларни юмшатиш, гул кўчатлари экиш учун жойларни тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Наврўз» умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш учун шаҳарчада муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.

Талабалар турар жойларида сумалак сайиллари ўтказилади. Халқимизнинг ўлмас анъана ва урф-одатларини тиклаш мақсадида саҳна кўринишлари намойишига тайёргарликлар қизғин тус олган. Байрам куни эса, турли спорт мусобақалари ўтказилиб ғолиблар тақдирланади.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Шаҳримиздаги «Эъзоза нуртекс» хусусий корхонаси ҳам ана шундай мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини кенгайтириб бораётган корхоналар сирасига киради. Бу ерда 15 киши иш билан таъминланган бўлиб, кичик ёшдаги болалар кийим-кечаклари замонавий талабларга жавоб берадиган сифатли ва бежирим тарзда тикилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Ҳозирда корхона маҳсулотлари тури 30 хилга етди. «Тошкент универмаги» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Демир» супермаркети, «Туркуаз» гипермаркети эса корхонанинг асосий буюртмачилари сирасига киришади. Улар билан корхона ўртасида узоқ муддатли шартномалар тузилган.

Ҳамкорлик

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

ЮРТИМИЗДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РИВОЖИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН КАТТА ЭЪТИБОР, ЯРАТИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАРНИНГ МЕВАСИ ЎЛАРОҚ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА.

— Яккасарой енгил саноат коллежи ўқувчиларидан 15-20 нафари доимий равишда корхонамизда амалиётни ўтаб, бичиш-тикиш сирларини ўрганишади. Насиб этса бу йил ёзда коллеж битирувчиларидан энг малакали 5-6 нафарини ишга қабул қилмоқчимиз, — дейди биз билан суҳбатда «Эъзоза нуртекс» хусусий корхонаси директори Малика Фаттоҳова. — Келгусида маҳсулот турларини янада кўпайтириб, ҳамкорларимиз сафини кенгайтириш режаларимиз бор.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Британия кенгаши лойиҳасига кўра яқинда Лондондаги мода ва дизайн коллежининг таълим дастури раҳбари Сара Аткинсон «Эъзоза нуртекс» хусусий корхонасида бўлиб, бу ердаги иш жараёни, бўлғуси тикувчи ва бичиқчилар билан ишлаш тажрибалари билан яқиндан танишди. Ўйлаймизки, ўзаро тажриба алмашиш, амалий алоқаларни ўрнатиш ва келгусида ҳамкорликни амалга оширишдек хайрли мақсадлар кўзланган С. Аткинсоннинг ташрифи келгусида ўз самарасини бериб, хусусий корхонанинг фаолият доираси янада кенгаяди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Эъзоза нуртекс» хусусий корхонасида ёшларнинг ишлаш ва тажрибаларини оширишлари учун мана шундай барча шарт-шароитлар яратилган.

Алексей Попов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИК ТИЗИМИ БИЛАН БОҒЛАНГАНЛИГИ, ДУНЁДАГИ МОЛИЯВИЙ МАРКАЗЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАНЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ , МАМЛАКАТИМИЗДА СУҒУРТА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТГА АЙЛАНДИ.

Иқтисодиётимиз эркинлашаётган ҳозирги вақтда ривожланган суғурта механизми бўлмаса, хўжалик юритувчи субъектлар: айниқса кичик ва хусусий бизнес вакиллари, товар ишлаб чиқарувчиларининг самарали ишлаш, уларнинг инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредитлардан фойдаланиш каби дастаклардан ўз фаолияти доирасида тўлиқ фойдалана олмаслиги мамлакат молия тизимида суғурта бозори ривожланишига ўз таъсирини ўтказади. Мамлакат суғурта бозорининг ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаб бериш давлат сиёсатининг муҳим ва устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бунинг учун суғурта тизимини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш лозим.

Халқаро молия ташкилотларининг маълумотларига кўра, жаҳондаги дастлабки ўнликка мансуб бўлган суғурта компаниялари устав жамғармаларининг умумий миқдори 900 миллиард АҚШ доллари атрофида эканлигининг ўзи ҳам суғурта капитали ва суғурта бозори халқаро молиявий муносабатларда қай даражада салмоқли ўрин тутишини кўрсатади. Шуни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз суғурта бозоридаги энг асосий муаммо, миллий суғурта компанияларининг халқаро бозорларга кириб бориши масаласи билан боғлиқдир. Барчамизга маълумки, алоҳида давлатнинг суғурта бозори якка ҳолда ривожланмайди. Бир давлат ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган турли бахтсиз ҳодисаларнинг зарарини маҳаллий суғурта бозори қоплаб бера олмаслиги аниқ. Шу боис, жаҳон суғурта ташкилотлари билан биргаликда иш олиб бориш, бир-бирини ўзаро қайта суғурталаш жараёнларини кенгайтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай тартибдаги амалий ишлар ва иқтисодий интеграциялашув қўлами давлатлар, минтақалар, қитъалар доирасида амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимиз суғурта бозори самаралий фаолиятини таъминлашнинг муаммоларидан бири шу куннинг талабига жавоб берадиган кадрларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Тўғри, бу борада баъзи компаниялар ижобий ишларни амалга оширмоқда. Масалан, "Ўзбекинвест" компанияси ўз ходимларини хориждаги нуфузли олий ўқув юртлари ва компанияларига малака ошириш, тажриба алмашиш ва улар фаолиятини ўрганиб келишга юбораётганлиги фикримиз далилидир.

Суғурта компаниялари оладиган дастлабки бадалларни ҳам камайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Суғурта бозорини ривожлантириш учун вақтинчалик бўлса-да, суғурта компаниялари билан шартнома тузувчиларга маълум даражада солиқ имтиёзлари, солиқ преференциялари қўлланилиши, уларни рағбатлантириш ва шу ҳисобда мижозларнинг ортишини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу соҳадаги айрим муаммоларга барҳам беришда ҳуқуқий-меъёрий асослар қайтадан кўриб чиқилиши, суғурта компаниялари учун реклама хизмати жараёнларини ташкил этишга шарт-шароит яратилиши ҳамда миллий суғурта компаниялари фаолиятининг жаҳон суғурта компаниялари фаолиятига интеграциялашувини таъминлашга эришишимиз мақсадга мувофиқдир. Суғурта соҳасидаги амалий ислоҳотларнинг мавжуд тизими республикамизда суғурта бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади ва бу ўз навбатида мамлакатда суғурта бозорининг тараққий этишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шарофиддин ТЎХТАШЕВ,
Тошкент Молия институти магистранти

Матбаа

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТ-МАТБААИ ИЖОДИЙ УЙИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ЧОП ЭТИШДА БОЙ ТАЖРИБА ТЎПЛАГАН. ЎТГАН 2007 ЙИЛНИНГ ЎЗИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН 40 ДАН ОРТИҚ НОМДА ТУРЛИ АДАБИЁТЛАР ЧИҚАРИЛДИ.

Матбаачиликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ҳам жалб этилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Осиё Тараққиёт банкининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида эса 14 номда дарслик ва қўлланмалар нашр этилди. Умумий таълим ва махсус фанларга оид ўқув адабиётларини босмага тайёрлашда Ўзбекистон—Швейцария ҳамкорлигида «Касбий кўникмаларни ривожлантириш», Германия тараққиёт банки «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳалари доирасида 40 га яқин номдаги ўқув нашрлари юзага келди.

Акбар АЛИЕВ

Таълим

ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН "ТУРЛИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ" МАВЗУИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси тизимидаги ўқув муассаса директорлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходимлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирда асосий эътибор ёшлар тарбияси, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва мазкур жараёнда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Тадбирда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига таълим бериш билан бирга уларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва тўғри йўл кўрсатиш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, бу вазифаларни адо этишда ота-оналар, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини беради. Ўқув муассасаларида турли мавзудаги давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилиши катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, учрашувда ички ишлар ходимлари ҳаётда учраб турадиган салбий ҳолатлар тўғрисида мисоллар келтириб, уларнинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш бериб ўтди. Ҳар бир ноқонуний иш жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини ёшлар англаб етиши зарурлиги тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда таъкидланишича, бугунги кунда Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси тасарруфида 1200 академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият юритиб, унда бир миллиондан ортиқ ёшлар таҳсил олмоқда. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш яхши самара беради.

Анжуманда ушбу мақсадга йўналтирилган амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Ўқув муассасалари раҳбарлари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, келгусида бу каби учрашувларни бошқа муассасаларда ўтказиш, очиқ мулоқот ташкил этишга келишиб олинди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

Тадбирлар

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

БУГУНГИ КУНДА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРДАН БИРИ — ГИЁВАНДЛИК МУАММОСИДИР.

Ушбу аср ўлатига қарши курашишда бошқа давлатлар қатори мамлакатимиз ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб турибди.

Айниқса, мамлакатимизга қўшни давлатлар орқали яширин йўллар билан гиёванд моддалар олиб кирилишига қарши иш олиб борилиб, бу йўлда айбдорлар қонунчилигимизда белгиланган тартибда жазоланмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ушбу иллатга қарши курашишда доимий равишда фидойилик, жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар. Бунинг учун, юртдошларимизни огоҳликка чорловчи, ёшларимизнинг билиб-билмай гиёвандлик моддаларининг асирига айланиб қолишларининг олдини олиш мақсадида кўплаб тадбирларни мунтазам ташкил этиб келмоқдалар.

Шундай тадбирлардан бири куни кеча Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтди. ТДЮИ раҳбарияти ҳамда бир қатор ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирни институт ректори Мирзаюсуф Рустамбоев кириш сўзи билан очиб талаба-ёшларга аср вабоси бўлган гиёвандлик кўчасига адашиб кириб қолмасликлари, аксинча, соғлом турмуш тарзининг афзаллиги, жисмонан ва маънан комиллик ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда институт талабалари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди.

Айниқса, тадбир иштирокчиларининг эътиборига гиёванд моддаларнинг салбий оқибатлари ҳақидаги ҳужжатли фильмларнинг намойиш этилиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Рустам УМАРОВ

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Саъдий ШЕРОЗИЙ

ҲИКМАТЛАР

Бу илонни таёқ билан ўлдириш керак, деб ўтирма! Ўнг келди дегунча қўлингдаги тош билан бошини янч!

* * *

Пашша кўпайса, шу қадар кучлилиги ва савлатига қарамасдан, филни енгади.

* * *

Даргоҳингнинг қуббаси Кайвон юлдузидан ҳам юқори бўлгач, мазлумнинг ноласини қандай қилиб эшитардинг?

* * *

Сен шундай ухлагилки, агар бирор мазлум даврингдаги золимдан шикоятланиб йиғласа, қулоғингга эшитилиб турсин.

* * *

Қўлингда тиғ бор экан, ғолиб бўл!

* * *

Ҳақни фақат ошкора айтиш мумкин!

* * *

Кимки агар қўрқув билан тамадан узоқ бўлса, хитойдан ҳам қўрқмайди, тотордан ҳам.

* * *

Агар шоҳ ўз раиятини муҳофаза қилса, хирож унга ҳалол бўлсин, чунки у чўпонлик ҳақидир.
Агар у халққа чўпон бўлмаса, еган-ичгани илон заҳри бўлсин, чунки у мусулмонлик учун олинган жаримадир.

* * *

Ўткир, тилгич тирноғинг бўлмаган тақдирда ёмонлар билан оз олишганинг яхши!
Кимки пўлат билаклига панжа урса, ўзининг кумуш билагига зарар етказади.
Ҳаёт (душманнинг) қўлини бойлаб бергунча қўйиб бер, ундан сўнг дўстларнинг истагига мувофиқ миясининг қатиғини чиқар.

* * *

Эй нотавон, зўравонларга бардош бер, бир куни ундан кучлироқ бўласан!

* * *

Ҳимматинг билан золимнинг қўлини боғла, ҳимматли билак кучли қўлдан яхшироқ!

* * *

Уруш олиб келувчи ўз жонига қасд қилади.

* * *

Эй мардлар, хотинлар кийимини киймаслик учун ғайрат қилингиз!

* * *

Жанг вақтида хотинга ўхшаб бошини ўраб оладиган қиличбоз эркакдан хотинчалиш яхши!

* * *

Гарчи филдай кучинг, шердай панжанг бўлса ҳам, менингча, урушдан тинчлик яхшироқдир.

* * *

Тақдир ўзини ҳам банди қилишдан қўрқмай, асирларга зўравонлик қилади.
Асирларни қўлга туширган киши ўзи ҳам бошқаларга асир тушиши мумкин.

* * *

Душман ожизлик қилиб, эшигингдан кириб келганда, кўнглингдан ғазабни, бошингдан кекни чиқариб ташла. Омон беришни сўраса, саховат қилиб кечир, лекин макридан эҳтиёт бўл.

* * *

Тиғ урувчи душман ташқарида деб ўйлама! Душман шериклари шаҳар ичида ҳам бўлади.

* * *

Сирингни ҳар ким олдида ўртага ташлама, мен кишига ҳамтовоқ бўлиб олган жосусларни кўп кўрганман.

* * *

Искандар шарқликлар билан уруш қилган вақтда ҳам, эшитишимча, чодирига ғарб томондан дарча очиб қўяр экан.

* * *

Халқ кўзига дўст бўлиб кўринган душманнинг тиши ўткир бўлади.

* * *

Бечоралик, очликка тан беру пасткаш олдида қўл чўзма!

* * *

Иззат билан ўлиш хор бўлиб яшашдан яхшироқдир!

* * *

Эй нафс, озга қаноат қил, шунда султон билан дарвешни бир кўрасан!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЁШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ИҚТИДОРЛИ ЁШ РАССОМ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ ҒАЙРАТ ИБРАГИМОВНИНГ «ИНВЕРТ-ҚАЙТА БОҒЛАНИШ» НОМЛИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Таниқли рассом ва санъатшунослар, талаба ёшлар иштирок этган кўргазма Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиси Ғайрат Ибрагимовнинг илк шахсий кўргазмасидир. Унинг рангтасвир асарлари тўлиқлигича илк бор намойиш этилаётган бўлсада, Европанинг кўплаб давлатларидаги кўргазмаларда иштирок этган. Айрим асарлари Будапештнинг Шарқий Осиё музейи томонидан сотиб олинган.

Кўргазманинг номланиши ва Ғайрат Ибрагимовнинг рангтасвир асарлари ўзгача маънога эга. Рассом асарларида Ўрта Осиё Сўғд шоҳлари, деҳқонлари, сарой ва уйлари деворларини безаган қадимий фрескалар билан ўхшашликни кўриш мумкин. Асарларда ўз ҳаёти билан яшовчи сюжети, колорити, ҳатто танланган инсон қиёфаларида Сўғдиёна рангтасвири оҳанглари акс этади.

«Долан мокам-1», «Долан мокам-2», «Карвон» номли асарлари Варахшан ва Афросиёб деворий рангтасвир асарлари билан турдошдек гўё. Санъат тарихчилари ва археологлар таъкидлаганидек аждодларимиз ўз деворий асарларида саройдаги базм ва тадбирларини реал яратишга, уларнинг яққол моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган бўлсалар, Ғайрат Ибрагимов ўз асарларида сал бошқачароқ, яъни асарни томоша қилаётган томошабинни фикрлашга, ундаги рамзий маъноларни чуқурроқ англашга чақиради.

Унинг рангтасвир асарлари алоҳида архаика асосида яратилганлигига қарамай, ўзининг замонавийлиги, даврга яқинлиги билан томошабинни жалб этади. «Чўмилаётган қизлар», «Реинкарнация» каби асарларига разм солиш биланоқ нега кўргазма «Инверт-қайта боғланиш» деган қийин ном билан аталиши тушунарли бўлиб қолади.

Ғайрат Ибрагимов ўзи ҳақида гапирганда «Мен ўз ҳаётимда янги ижодий оқимни бошладим. Совуқ спектакль рангларни илиқ ранглар билан, тўқ рангларни эса очиқ ранглар билан уйғунлаштирар эканман, «Негативли позитивнинг натижаси»га дуч келдим» дейди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

БОЛАЛАР КИТОБ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

БУ ЁРУҒ ОЛАМДА КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ТОПИШ МУШКУЛДИР. ЧУНКИ КИТОБ ИНСОНЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ОЙДИНРОҚ ФИКРЛАШЛАРИ, ДОНОЛАРЧА ЗИКР ҚИЛИБ ИШ ЮРИТИШЛАРИ УЧУН ҲАР ДОИМ ВА ҲАММА ВАҚТ БЕМИННАТ ДЎСТДИР.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги» кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилди.

— «Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги»ни ўтказишдан асосий мақсад, ёшларни китоблар ўқишга кўпроқ жалб қилишдан иборатдир,—дейди мазкур кутубхона директори Фотима Бухарова. — Афсуски, кейинги вақтларда болаларимиз негадир китобларни кам ўқияптилар. Улар асосан компьютер ўйинлариға қизиқиб кетганлар. Компьютерни билиш албатта яхши, лекин тинимсиз равишда турли хил компьютер ўйинларини ўйнаш ва киноларни кўриш ёшларимиз онгига маънавий зиён етказади. Техника асрида яшаяпмиз деб ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўя олмаймиз. Бугунги кунда кутубхонамизда 250 мингдан зиёд адабиётлар ва юздан ортиқ турдаги бошқа нашрлар мавжуд. Мазкур нашрларнинг ҳаммаси ёшлар камолоти йўлида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам кутубхонамизда китоблар ҳафталигини ўтказмоқдамиз. Ҳар қандай китоб у бадиий, тарихий ёки сиёсий жанрда бўлмасин ўз ўқувчисининг онгига албатта маънавий озиқ олиб киради, фикрлаш доирасини кенгайтиради, онг ва тафаккурини чархлаб, уни юксакликка чорлайди. Ёшларимизнинг ҳар томонлама солиҳ фарзандлар бўлиб вояга етишларида, Ватан олдидаги бурчларини тўғри англай олишлари ва юртга муҳаббат билан қарашларида китобнинг ўзига хос ўрни бор. Умид қиламизки бу анжуман уларнинг дунёқарашига албатта ижобий таъсир кўрсатади ва ёшларни китобга янада яқинроқ қилади.

Шунингдек, китоблар ҳафталиги анжумани очилишида болалар шоиралари Умида Абдуазимова ва Кавсар Турдиева ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар ва улар билан очиқ мулоқотда бўлиб ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

«Болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталиги» кунлари 17 мартга қадар давом этади. Ҳафталик доирасида болажонлар ёзувчи Қ.Норқобулнинг «Дарё остидаги йиғи» деб номланган китоби юзасидан фикр алмашадилар ва адиб билан учрашадилар. Шунингдек, «Мусиқа оламига саёҳат» рукни остида ўзбек бастакорлари билан учрашувлар, «Ҳар дарахт, майсани уйғотди Наврўз» деб номланган адабий-мусиқий кеча, «Эртаклар яхшиликка етаклар» мавзуида мультфильмлар намойиши ҳам ташкил этилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Спорт янгиликлари

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

20-25 МАРТ КУНЛАРИ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ БИШКЕК ШАҲРИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Мазкур мусобақада иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иштирокида пойтахтдаги Миробод спорт мажмуасида саралаш турнири ташкил этилди. Унда қитъа чемпионатига номзод полвонлар саралаб олинди. Мусобақада юз нафардан ортиқ полвонлар икки йўналишда ўн тўрт вазн тоифасида гиламга чиққан бўлса, аёллар 58, 66, 74 ва мутлоқ вазн тоифасида ўз имкониятларини синовдан ўтказди. Улар орасида Зоҳид Ортиқов, Рустам Умаров, Зоҳид Жумақулов, Шерзод Умурзоқов каби мамлакатимизнинг етакчи полвонлари, жаҳон чемпионати иштирокчилари ва ғолибларининг борлиги турнирнинг муросасиз ўтишини таъминлади. Эътиборлиси асосий ўринлар учун Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда водийлик полвонлар билан бирга Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё вилояти жамоалари ҳам тенгма-тенг беллашишди.

Икки йўналишда ўтказилган баҳслар якунига кўра, ўз вазн тоифаларида Азизбек Эргашев, Жаҳонгир Абдулҳай, Искандар Марҳамат, Муҳиддин Аширов, Нодир Мирёқубов, Сайфиддин Эгамбердиев, Темур Шокиржонов, Шуҳрат Бозоров каби ўн тўрт нафар полвонлар терма жамоа аъзолигига саралаб олинди. Аёллар ўртасида эса Гулмира Мирзараҳимова, Сабоҳат Шералиева, Дилдора Раҳимовага етадиган рақиблар топилмади.

Бишкекда ўтадиган Осиё чемпионати 2009 йил Вьетнамда бўладиган Осиё ўйинлари мусобақасига ҳамда 2010 йил Хитойда ўтадиган Осиё ўйинлари мусобақаларига йўлланма берадиган чемпионат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу чемпионатга терма жамоамиз алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Саралаш мусобақаларидан сўнг ўқув машғулотлари ҳам бошланади. Осиё чемпионатида ўзини кўрсата олган терма жамоа аъзолари Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИГА БОРИШАДИ

БОКСНИНГ МУАЙТАЙ ТУРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ИЛК БОР ЕВРОПА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ.

Германияда бўладиган ушбу мусобақада йигирмадан ортиқ мамлакатдан келадиган спортчиларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Европа мамлакатларида ҳам спортнинг ушбу тури кенг ривожланган бўлиб, қитъа чемпионатида энг сара муайтайчилар ғолиблик учун гиламга чиқади. Айнан Европа очиқ чемпионати якунларига кўра юқори ўринларга сазовор бўлган спортчилар жорий йилнинг ёзида Францияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Спортнинг ушбу тури бўйича Осиёда Таиланд, Қозоғистон ва мамлакатимиз муайтайчиларининг маҳоратига ҳакамлар юқори баҳо бермоқда.

Айни кунларда Осиё ўйинлари ғолиби Мавлон Қаҳҳоров жаҳон биринчилиги совриндори Жасур Мирзааҳмедов, спорт усталигига номзод Фарруҳ Йўлчиев каби ўнлаб иқтидорли спортчилар орасида қизлар ҳам шу йил муайтай бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказади. Европа очиқ чемпионати мусобақаси олдидан эса умидли ёшларимиз 15-17 март кунлари ўтказиладиган мамлакат биринчилигида қатнашади.

«Туркистон-пресс»

Қатралар

ЎЗГАРМАЙДИ

Қуёш қип-қизил бўлиб чиқиши билан боққами, қиру чўл ёки сувгами баробар нур сочади, ҳаёт равнақидаги чексиз сахийлиги ботаётган чоғида ҳам ўзгармайди.

ИККИ ДУНЁ РАҲМАТИ

Покликнинг онаси бўлган тўғрилик касофатли эгрилик билан кўндаланг туради.

Она ҳеч қачон фарзандига ёмонликни раво кўрмаганидек, тўғрилик хислати ҳам одамни хиёнат йўлига йўлатмай ҳақиқатга ундайди:

Мен билан дир икки дунё раҳмати,
Эгриликдир азиз умрнинг офати.

УЛУҒ ХИСЛАТ

Олижаноблик улуғ хислат. Бу хислат эгалари ўзгаларни ўзларидан устун кўрадилар.

— Энг ақлли, олижаноб одам,— деган экан бир донишманд,—кўп нарсани билиб, билимдонлик қилмаган, мақтовларга учмаган, камтардир. Шу ўринда одоб бўстонининг билимдони Бахтнинг сўзини келтириш ўринлидир.

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига кулоқ сол ҳар дам.

КУШАНДАЛАР

Темирнинг кушандаси занг. Узумники кул бўлса, шафтолиники шира. Эл-юрт насибасини қирқувчи бу кушандаларнинг кушандаси-чи, инсоннинг ақл-заковатидир.

Қани энди инсон боласининг қадами теккан жойда ақл-заковат нур сочиб турса.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Сўзсиз сурат
Абдурасул Ҳакимов чизган расм

“Тошкент оқшоми” саломатлик хизмати

ҚАТТИҚ ҲИС-ҲАЯЖОНДАН САҚЛАНИНГ

Стенокардия – бу юрак ишемик касаллигининг энг кенг тарқалган аломатидир.

Хўш, бу касаллик нималарда ўзини намоён этади? Стенокардия ҳуружи вақтида бемор кўкраги қисилишини, босимни, куйиб-ачишиш ҳолатини, ўткир оғриқ ёки кўкрак қафасидаги увишишни ҳис этади. Оғриқ чап елка, қўл, бўйинга ўтиши мумкин. Ҳуружлар бир-бирига ўхшайди ва 10 дақиқадан ортиқ чўзилмайди.

Бу оғриқ юракнинг қон билан таъминланиши ёмонлашуви оқибатида пайдо бўлади. Атеросклероз, ирсият, қантли диабет, асаб тизимининг қўзғолиши ва, албатта, ҳаёт тарзи юқоридаги касалликка сабаб бўлувчи омиллардан ҳисобланади. Энг аввало, бу овқатланишда меъёрий мувозанатларга риоя этмаслик ва оқибатда қондаги холестерин моддасининг ортиши ва натижада томирлар қайишқоқлиги ёмонлашишида ўз ифодасини топади.

Стенокардия ҳуружлари кўпинча жисмоний зўриқиш, қаттиқ ҳис-ҳаяжон туфайли, организмнинг қаттиқ совиб кетиши ёки қизиб кетиши натижасида, оғир ва аччиқ-шўр таомлар истеъмол қилинганидан кейин юз бериши мумкин. Бундай вақтларда юракка зарба кучи ортади, кислород етишмаслиги кўпроқ сезилади ва оғриқ кучая боради.

Стенокардия ҳуружи инфарктга олиб борадими? Стенокардия ҳуружлари узоқроқ давом этадиган бўлиб қолган, олдингидан тезроқ такрорланадиган ва ҳатто дам олиш вақтларида ҳам юз берадиган ҳолларда инфарктнинг ривожланиш хавфи кучлироқ бўлади.

Стенокардияни муваффақиятли даволаш учун юрак-қон томир тизими фаолияти бузилишига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш керак. Юрак ишемияси хасталиги фақат кексаларга ёпишади, деб ўйлаш нотўғри. У тобора ёшариб бормоқда ва 30-35 ёшли мижозлар кардиология бўлимлари учун одатий мижозларга айланиб қолишган.

Жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланувчилар сони тобора камайиб бормоқда, улар кўпроқ оқшомларни телевизор томоша қилиб ўтказишни хуш кўришади. Ваҳоланки, инсон мушакларининг фаоллиги қонни томирларга ҳайдашда юракка ёрдам беради. Агар одамнинг мушаклар фаоллиги етарли бўлмаса, танани қон билан таъминлашнинг бутун оғирлиги юракка – миокардга тушади. Соғлом бўлиш учун ҳаракат қилиш, жисмоний юклардан юракни аяшни тўхтатиш керак.

Ҳуружлар вақтида нима қилиш керак? Биринчидан, оғриққа сабаб бўлувчи омилни бартараф этиш зарур. Агар бу жисмоний зўриқиш натижаси бўлса – дарҳол уни тўхтатиш лозим. Мабодо, бу руҳий-эмоционал (ҳаяжон, стресс) юки таъсири бўлса – хонаки дорихонада мавжуд бўлган ҳар қандай тинчлантирувчи дорилар – валериана настойкаси, корвалол, валокординдан бирини ичиш керак.

Иккинчидан, оёқларингизни пастга осилтирган ҳолда ястаниб ўтириб олинг. Тоза ҳаво доимий кириб туришини таъминланг. Оғриқ тинка қуриши, бош айланиши билан кечадиган бўлса ва ётганда оғриқ кучаймаса – ётиб олинг.

Учинчидан, бир таблетка нитроглицеринни тилингиз остига ташланг. Агар таъсири сезилмаса, 5 дақиқалик танаффус билан нитроглицеринни уч мартагача қабул қилишингиз мумкин. Нитроглицеринни қабул қила олмайдиганлар валидол ичишса ҳам бўлади.

Тўртинчидан, агар оғриқ ўтиб кетмаса – зудлик билан “тез ёрдам” машинасини чақиринг.

Стенокардиядан даволанишнинг халқ табобати усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

5 г дўлана гули устига бир стакан қайнаб турган сувни қуйиб, устини ёпинг, идишни қайнаб турган сувда 15 дақиқа қайнатинг. Кейин 45 дақиқа давомида совутинг, сиқиб турпини чиқариб ташланг ва қолган сувнинг миқдорини 200 граммга етказинг. Дамламани ярим стакандан кунига уч маҳал овқатдан ярим соат олдин истеъмол қилинг.

Кунига 3-4 маҳал бир чой қошиқдан асал енг ва қайноқ чой ичинг.

Земляника ўтини қайноқ чой билан ичиш фойдали (1 стакан сувга 1 чой қошиқ ҳисобида).

Шунингдек, юрак томирларига ялпизли иссиқ чой ҳам яхши таъсир этади (бир стакан сувга бир дона қуритилган ялпиз барги кифоя қилади).

Кунига ҳеч бўлмаганда бир бўлак саримсоқ пиёзни истеъмол қилинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 . 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13:30